

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОХАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Элбек Дехқонов

Ўзбекистон Миллий университети  
мустақил изланувчиси

### АННОТАЦИЯ

Муаллиф мазкур мақолада олий таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тамойилларини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳужжати асосида кўриб чиққан. Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатига асосланган ҳолда давлатнинг таълим сиёсатига оид тамойилларни қиёсий тахлили очиб берилган.

**Калит сўзлар:** давлат сиёсати, таълим, олий таълим, олий таълим соҳасида давлат сиёсатининг тамойиллари, давлат таълим стандарти.

### АННОТАЦИЯ

Автор в данной статье рассматривает принципы реализации государственной политики в сфере высшего образования на основании закона Республики Узбекистан «Об образовании». Дается сравнительный анализ принципов государственной образовательной политики действующего закона.

**Ключевые слова:** государственная политика, образование, высшее образование, принципы государственной политики в сфере высшего образования, государственно образовательный стандарт.

### ANNOTATION

The author in this article examines the principles of implementation of state policy in the field of higher education based on the Law of the Republic of Uzbekistan "On Education". A comparative analysis of the principles of state educational policy of the current law is given.

**Key words:** state policy, education, higher education, principles of state policy in the field of higher education, state educational standard.

Хозирги кунда Ўзбекистоннинг олий таълим тизими муҳим институционал ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепцияси қабул қилинди, у олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, республика олий ўқув юртларини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингларида (QS, THE, Academic Ranking of World Universities) илгари суриш учун асос яратди. Бу хужжат университетлар тизимини ривожлантириш бўйича стратегик дастурга айланиб, ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини белгилади. Тизимли чоратадбирлар туфайли мамлакатнинг икки олий ўқув юрти – Миллий тадқиқот университети «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети **биринчи марта дунёнинг ТОП-1000 энг яхши университетлари рейтингига кирди (QS World University Rankings-2025).**

Амалдаги ислохотлар доирасида замонавий стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2020 йилдан бошлаб мамлакатнинг барча олий ўқув юртлари Европанинг олий таълим тизими асосида (European Credit Transfer and Accumulation System) **кредит-модул тизимига босқичма-босқич ўтди ва бугунги кунда мазкур тизимнинг меъёрий-услубий хужжатлари нуфузли ОТМларнинг тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.**

Бу эса республикада олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатини шаклланиши ва амалга оширилишига янгича ёндошув асосида замин яратилаётганлигидан далолат беради.

“Давлат сиёсати” тушунчасини аниқлаш борасидаги илк тадқиқотлар эрамиздан IV минг йил олдин Месопотамияда амалга оширилган. “Хаммураппи” қонуни, “Артхашастра трактатлари” шунингдек, Платоннинг “Давлат”, Аристотельнинг “Сиёсат” ва “Этика”, Цицероннинг “Давлат тўғрисида”, “Қонунлар тўғрисида”ги асарларида давлат ва сиёсатнинг ривожланиши ва уларнинг амалий йўналишлари тахлили учрайди. [1].

XXI асрда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг шаклланиши ва унинг амалга оширилиши борасидаги умумий муаммолар А.Л.Андреев, Н.Ф.Дианова, В.М.Димов, В.И.Жуков, Ф.Г.Зиятдинова, М.Ф.Кузнецов, В.Р.Топилдиев, Э.Дехқоновларнинг илмий тадқиқотларида ўз мужассамини топган. [2,3,4,5,6,7].

Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати давлат ва жамоатчилик институтларини инсон ҳаётининг универсал шакли сифатида таълимни ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратишни назарда тутади.

Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати таълим хизматлари сифатини, улардан фойдаланиш имкониятини ва меҳнат бозори талабларига

мувофиқлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва ташаббусларнинг комплекс мажмуи бўлиб ҳисобланади. Мазкур сиёсатнинг муҳим жиҳатлари қаторига олий таълим ташкилотларини молиялаштириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ўқитиш ва талабалар фаолиятини баҳолашнинг замонавий усулларини жорий этиш киради.

Олий таълим соҳасида давлат сиёсати давлат сиёсати ҳамда давлатни хавфсизлигини таъминлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу маънода давлат доимий равишда таълим тизимини шу жумладан олий таълимни ривожлантиришдан манфаатдор бўлади. [8].

Таълим бу давлат сиёсатининг энг муҳим функцияларидан биридир. Таълим соҳасида олиб борилаётган сиёсат ҳар томонлама ўйланган ҳамда жамиятни сиёсий муаммоларини ечимини топишга кўмак берадиган механизмлардан бири ҳисобланади. Айнан таълим соҳасида олиб борилаётган сиёсат жамият ва давлат тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг муҳим элементига айланади, чунки бутун мамлакат фуқароларнинг ҳаёт даражаси ва сифати унинг самарадорлигига боғлиқ. Бундан кўриниб турибдики, таълим соҳасида замон талабларига жавоб берадиган давлат сиёсатини шакллантириш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари тузилмаларининг етарли даражада иштирок этмаслиги муаммоси мавжуд. Шунингдек, хорижий мамлакатларининг тажрибалари шуни кўрсатадики, таълим соҳасидаги давлат сиёсатини шаклланиши ва амалга оширилишини фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг фаол иштирокини таъминламасдан туриб такомиллаштирилиши мумкин эмас. Бундан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислох қилишда олий таълим соҳасидаги давлат сиёсатини ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- таълим устуворлигининг тан олинishi;
- таълим олиш шаклини танлаш эркинлиги;
- таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги;
- таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши;
- таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги;
- таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

ўн бир йиллик таълимнинг ҳамда олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида умумий ўрта таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги;

давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;

ўқув дастурларини танлашга доир ёндашувнинг ягоналиги ва табақалаштирилганлиги;

инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олиши;

жамиятда педагогларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кафолатланганлиги;

таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгалиги;

билимлилик, қобилиятлилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги;

таълим фаолияти соҳасидаги очиклик ва шаффофлик.

Юқорида келтирилган тамойилларнинг ичида давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги тамойили бошқа тамойиллардан ажралиб туради.

Чунки бу тамойил амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда давлат таълим стандарти асосида олий таълим ташкилотларида барча фуқаролар учун таълим олиш имкониятини яратиб беради. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти Асосий қоидалар бу олий таълимнинг конституцияси хисобланади. Мазкур меъёрий ҳужжатга асосланган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва унинг негизидаги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари ишлаб чиқилади ва улар давлат таълим стандартига зид келиши мумкин эмас.

Олий таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда Давлат таълим стандартлари ва таълим дастурлари алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 34-моддасида Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ҳамда олий таълим мазмуни ва сифатига оид талабларни белгилайди деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги давлат таълим стандартлари, малака талаблари, олий таълим, ўрта махсус таълим ҳамда профессионал таълимнинг ўқув режалари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилишини таъминлайди. Ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан етакчи ОТМлар белгиланган.

Етакчи (таянч) давлат олий таълим муассасалари кадрларнинг талабгорлари иштирокида давлат таълим стандартларини, малака талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини тайёрлашни амалга оширади. Давлат таълим стандартлари касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилади. [9 ].

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 19 октябрдаги 35-2021-сон буйруғи билан амалга киритилган **“Ўзбекистон Республикасининг Давлат Стандарти “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қондалар”**да,

Давлат таълим стандарти:

кадрлар тайёрлаш сифатига, таълимнинг мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;

таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

ўқув юкламасининг ҳажмини;

таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиблари ҳамда механизмини белгилайди деб кўрсатилган.

Давлат таълим стандартлари ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли ҳужжатларни (бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, ўқув дастурлари ва бошқалар) ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Давлат таълим стандартлари олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоровий бўйсунув ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари асосида кадрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Нодавлат таълим ташкилотлари мустақил ишлаб чиқилган ва лицензияда кўрсатилган ўқув дастурлари асосида таълим фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Олий таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Таълим тизимига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада олий таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг

ечимларига оид бўлган тадқиқотлар айрим муаллифларнинг илмий ва услубий ишларида ўз мужассамини топган [10,11,12,13,14,15].

Таълим соҳасидаги давлат сиёсати бу давлат органлари ва умуман олганда таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши соҳасидаги фаолиятдир. Бунда асосий ўринни таълим сифати сиёсати эгаллайди. Таълим сифати сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни холисона баҳолар эканмиз, олий таълим тизими соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислохотларни мантиқий якунига етказиш зарурлигини унитмаслигимиз лозим.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида хусусий секторга берилган имкониятлар туфайли 71 та хусусий ОТМлар ташкил этилиб, уларда 500 минг нафарга яқин талабалар таҳсил олмоқда. Бунинг натижасида мамлакатда олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 42 фоизга ошди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, олий таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тамойилларини замирида қандай маъно ётганлигини ёш авлодга, таълим олувчиларга ва уларнинг ота-оналарига тушинтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Фикримизча, таълим муносабатларининг тамойиллари таълим ҳуқуқи нормаларининг асосий негизлари сифатида таълим қонунчилиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Таълим ҳуқуқининг тамойиллари нафақат барча таълим қонунчилигининг мазмунига сингдирилади, балки ҳуқуқий нормалар мазмунини тўлиқ мувофиқлаштиради. Таълим ҳуқуқининг асосий тамойиллари барча таълим қонунчилигининг умумий руҳидан ва таълим қонун ҳужжатларининг барчасининг мазмунидан келиб чиқиб, таълим тўғрисидаги қонунда ифодаланган.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1.Бондарейко А.В. К определению понятия государственная политика, ее компонентам и источникам изучения // Амурский научный вестник. - 2012. - № 2. - С. 202-210.

2. Андреев А. Л. Российское образование: социально-исторические контексты. - М.: Наука, 2008. - 359 с.

3.Дианова Н.Ф. Модернизация культуры и образования в условиях глобализации: философско-культурологический анализ. - Краснодар: ИД «Юг», 2011. - 367 с.;

4.Димов В. М., Лесная Л. В. Актуальные проблемы образования // Социально-политический журнал,- 1995.- № 2.- С. 169-183

5.Жуков В. И. Российские преобразования: социология, экономика, политика. - М.: Академический проект, 2003,654 с.

6.Кузнецов М.Ф. Образовательная политика в условиях глобализации общества. - М.: Компания Спутник, 2009. - 200 с.

7. Топилдиев В.Р., Дехқонов Э., Олий таълим тизимининг норматив-ҳуқуқий асослари. –Т., 2023. -194 б.

8. Жердин А.В. Принципы государственной политики в сфере образования // Право и образование. – 2004. – № 2. – С. 103

9.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон (34-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-957-сонли [Қонуни](#) таҳририда - Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.09.2024 й., 03/24/957/0689-сон)

10.Топилдиев В.Р. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим соҳасига оид фармонларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида айрим мулоҳазалар // “Мирзо Улуғбек буюк мутафаккир олим ва давлат арбоби” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари. –Т., 2024. 1057-1065 бетлар.

11.Топилдиев В.Р. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик. Илмий хабарнома, АДУ, №2 2017 йил. 48 б.

12.Топилдиев В.Р. Масофавий таълим хусусида айрим мулоҳазалар. 2023. *Journal of Integrated Education and Research*, 2 (2), 51-60 бетлар.

13.Топилдиев В.Р. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари. –Тошкент., 2018. 356. Б.

14.Топилдиев В.Р. Олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти хусусида айрим мулоҳазалар // *Современное образование*, 2017. (6), 8-14.

15.Topildiyev V.R. Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim va tarbiya jarayonlarini tashkil etishning o’ziga xos muammolari. *Sotsiologiya va huquq, Ilmijurnali* 2-сон, 11-21 бетлар.

16. Топилдиев В.Р. Замонавий технологияларни фуқаролик-ҳуқуқий фанларнинг ривожланиши ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга таъсири // “Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. –Т., 2022. 47-62 бетлар.